

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

573 «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

50 (758)-сон

— 65 —

573-модда

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60, 01-02/8-10-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2131, 2010 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 279-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йил 1 январдан кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 2 декабрь,
2016/39-7-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 2 декабрь,
90-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 2 декабрь,
01-02/16-65-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва
Давлат божхона қўмитасининг
2016 йил 2 декабрдаги 2016/39-7, 90,
01-02/16-65-сон қарорига
ИЛОВА

«Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарорнинг муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 228-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сонли «Ўзбекистон Республика-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

си Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 225-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ–2463-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг тузилмасини мақбуллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ–2463-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг тузилмасини мақбуллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартибини белгилайди.»;

б) 1-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ваколатли орган** — зиммасига сертификат бериш функцияси юклатилган орган. Ўзбекистон Республикасида ваколатли орган бўлиб «Ўзбек-экспертиза» АЖ ва унинг бўлинмалари ҳисобланади;

ваколатли шахс — ваколатли органнинг сертификатни гувоҳлантириш учун масъул бўлган мансабдор шахс;»;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**товар туркуми** — битта олувчининг манзилига битта транспорт ҳужжати бўйича келаётган ёки битта почта юк хати билан жўнатилаётган ёхуд божхона чегараси орқали ўтаётган битта жисмоний шахснинг қўл юкида ва багажида олиб ўтилаётган товар ёки унинг бир қисми;»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**айнан бир хил товар**» — бир ишлаб чиқарувчи томонидан айнаан бир хил технологик жараёнга асосан ишлаб чиқарилган, таркиби, номи (шу жумладан, модели, савдо белгиси, тури бўйича) ва ТИФ ТН кодлари бўйича бир хил тавсифланган, айнаан бир ариза берувчи томонидан сертификатлаш учун тақдим этилган товар.»;

в) 27-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги экспорт (реэкспорт) қилинаётган товар бўйича шартнома;»;

г) қўйидаги мазмундаги 27²-банд билан тўлдирилсин:

«27². 27 ва 27¹-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки элект-

50 (758)-сон

— 67 —

573, 576-моддалар

рон шаклда ахборот тизими орқали тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.»;

д) 28-банд қуйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Илгари айнан бир хил товар учун сертификат олган ариза берувчи муурожаат қилган тақдирда, товарларни келиб чиқишини сертификатлаш ариза топширилган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади, бунда ариза берувчи аризасида сертификатланаётган маҳсулот номи ва миқдоридан сўнг айнан илгари берилган сертификатнинг рақамини кўрсатади.»;

е) 1-иловадаги «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ» деган сўзлар «Ўзбекэкспертиза» АЖ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 2 ва 3-иловалар номланишидаги «ОСНІҚ АКSIYADORLIK JAMIYATI «O`ZBEKEKSPERTIZA» ва «ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «УЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» деган сўзлар тегишинча «O`ZBEKEKSPERTIZA» АКSIYADORLIK JAMIYATI» ва «АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «УЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» деган сўзлар билан алмаштирилсин.